ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Марказий Осиёда ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирлари кенгашининг Тошкентда ўтадиган навбатдаги мажлисида қатнашиш учун юртимизга ташриф буюрган Қозоғистон Бош вазири Акежан Кажегелдин ва Қирғизистон Бош вазири Аппас Жумағуловни қабул қилди.

Ислом Каримов ягона иқтисодий макон яратиш ҳақида уч қардош мамлакат раҳбарлари имзолаган шартномада белгиланган тадбирларнинг амалга оширилишида Бош вазирлар кенгаши муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Сўнгги пайтларда собиқ Иттифоқ ҳудудида рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий ва маданий ҳамкорликка ҳеч қандай салбий таъсир этолмаслигини, зеро, ўзбек, қозоқ ва қирғиз халқларини боболардан мерос минг йиллик қардошлик ришталари мустаҳкам боғлаб турганини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари алоқа тармоқлари туташлиги, энергетика манбалари, сув заҳиралари, бозорларимиз умумийлиги, қолаверса тил ва дил бирлигини уч қардош мамлакат ўртасидаги иқтисодий интеграцияни тақозо этувчи омиллар сифатида санаб ўтди. Шу боис ягона иқтисодий макон яратиш ҳақидаги шартнома Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқлари томонидан қизғин қўллаб-қувватланди. Айни пайтда ушбу шартнома асосидаги ҳамкорлик Давлатлараро кенгаш ижроия қўмитаси томонидан мувофиқлаштириб борилмоқда. Хусусан, мамлакатларимизни иқтисодий интеграциялашнинг 2000 йилгача бўлган дастури асосида фаол иш олиб борилмоқда.

Президент Ислом Каримов шартнома доирасида амалга оширилган ишларга ижобий баҳо берар экан, ҳали мавжуд имкониятлардан тўла, яъни халқларимиз кутган даражада фойдаланилмаётганига эътиборни қаратди. Бош вазирлар кенгашининг Тошкентдаги мажлисида ана шу улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш борасида тадбирлар белгиланишига ишонч билдирди.

Қозоғистон Бош вазири Акежан Кажегелдин ва Қирғизистон Бош вазири Аппас Жумағулов Марказий Осиё ягона иқтисодий маконини яратиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирлар кенгаши Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон халқларининг азалий дўстлиги, бирлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш йўлида собитқадамлик билан ҳаракат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда, шунингдек Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков иштирок этди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Америка Қўшма Штатларининг НАТОдаги доимий вакили, элчи Роберт Хантер бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганини қайд этди. НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, АҚШ миссиясининг Ўзбекистонга ташрифи мазкур халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантириш учун имкон яратишини айтди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада равнақ топтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Содиқ Сафоев, Бахтиёр Ғуломов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва мудофаа вазири Рустам Аҳмедов иштирок этди.

Қабулда АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Стенли Туэмлер Эскудеро ҳозир бўлди.

***

Шу куни АҚШнинг НАТОдаги миссияси аъзоларидан иборат делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар ва Мудофаа вазирликларида ҳам бўлиб, музокаралар ўтказдилар.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти.

Суратларни Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 6 апрель, шанба № 42 (21.963).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИДА

5 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Мажлисда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисидаги масала ва сессия кун тартиби кўриб чиқилди. Парламент сессиясини шу йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Сессияга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш учун Олий Мажлиснинг 23 нафар депутатидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров гуруҳ раҳбари этиб тайинланди.

Депутатлар ишчи гуруҳи зиммасига юкланган вазифаларни оператив тарзда ҳал этиш учун унинг таркибида учта кичик гуруҳ тузилди. Улар сессия материалларини тайёрлашга доир масалалар ҳамда ишларни оммавий-ахборот воситаларида ёритиш билан; сессия котибияти ҳамда овоз бериш тизими ишини таъминлаш, ахборот-маълумот ишини ташкил этиш масалалари билан; депутатлар нормал фаолият кўрсатишлари учун зарур шароитлар яратиш масалалари билан шуғулланиши белгилаб қўйилди. Кичик гуруҳларга депутатлар Э.Воҳидов, Ж.Ўтамов ва Г.Йўлдошева раҳбар этиб сайландилар.

Шундан сўнг мажлисда Ўзбекистон Республикасида суд ислоҳотини янада ривожлантириш дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Ўзбекистон адлия вазири С.Мирсафоев ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Н.Исмоилов, республика Олий суди раиси У.Мингбоев, Олий хўжалик судининг раиси М.Абдусаломов, республика Бош прокурори Б.Мустафоевнинг ахборотлари тингланди. Дастур республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мустақил давлатимизда таркиб топган суд назарияти ва амалиёти халқаро доирада эътироф этилган қоидалар принципларга мос келишига қаратилгандир.

Кенгаш аъзолари дастурни талабчанлик билан муҳокама қилдилар. Унга доир қатор таклифлар ва тузатишлар тавсия этдилар. Кенгаш ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Б.Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисдаги вакили Ҳ.Абдураимов иштирок этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси 1996 йил 25 апрель куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 5 апрель.

***

Олий Мажлиснинг бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш мўлжалланмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (биринчи ўқишда).
2. Банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
3. Акциядор жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
4. Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
5. Эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
6. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Миллий хавфсизлик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
8. Ўзбекистон Республикасида депутатни чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (иккинчи ўқишда).

Депутатлар муҳокамасига ана шу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

МЕҲНАТГА РАҒБАТУ ИШЛАШГА ИМКОН

Шарҳловчи минбари

Вилоятларнинг бирида шундай манзаранинг шоҳиди бўлдим: бензин олиб келиш учун бензин ташийдиган машинанинг ўзини трактор судраб боришарди. Аввалига «э, афандилар» деб кулдим. Бироқ жиддий ўйлаб кўрсам, куладиган эмас. Чунки машинани юргизиш учун бензин йўқ, ёнилғи сотиб олиш учун эса пул... Маблағ йўқлигининг сабаблари эса сон мингта.

Ана шу тариқа қишлоқ хўжалигимиз ночор аҳволга тушди. Унинг нохуш таъсири, айниқса, баҳорда — ерга уруғ тушадиган, барака уруғи қадаладиган пайтда яққол сезилаётган эди. Ана шу кезда **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг** чиқиши деҳқонларимиз кўнглидаги умидсизликни ҳайдаб, ишонч тамалини мустаҳкамлади. **Таъбир жоиз этса, бу Фармонни баҳор фаслининг очиқ кунларида чиққан қуёшга менгзаш мумкин: у ҳам ёритади, ҳам ҳарорат бахш этади.**

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши давлат йўли билан қўллаб-қувватлашга ҳамиша муҳтож соҳа. Жаҳоннинг тараққий этган мамлакатларида ҳам бу соҳага ҳамиша жиддий эътибор қаратилади ва уни ривожлантириш учун қатор имтиёзлар берилади. Бинобарин, бундай имтиёзлар энди бизнинг мамлакатда ҳам мавжуд. Зарарига ишлаётган қишлоқ хўжалик корхоналарининг банк ссудалари бўйича тўлайдиган устама фоизлари чегириб ташланиши, кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан олинган кредитларга устама фоизларни тўлаш муддати 2000 йилнинг 1 январигача кечиктирилиши бунинг яққол мисоли.

Заифлашиб қолган ва кам рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг банк ссудалари бўйича вақтида тўланмаган қарзлари 2000 йилнинг 1 январигача кечиктирилиб, бу қарзлар бўйича устама фоизлар ёзиш тўхтатилди. **Бу хўжаликлар учун жуда катта енгиллик бўлиб, қаддини ростлаш, эмин-эркин нафас олиш имкониятини яратади.** Ҳолбуки, вақтида узилмаган қарзлар бўйича қўйиладиган устама фоиз тўланмаган қарзнинг ўзидан баъзан икки-уч ҳисса ошиб кетарди.

Пилла етиштириш ҳамда чўл ва ярим саҳро яйловларида жойлашган қорақўлчиликка бўнак бериш учун йўналтиришга кредитлар жорий этилиши ушбу соҳаларни ривожлантиришга давлат йўли билан мадад беришнинг самарали усулидир. Бу борада «Ўзбекистон овози» саҳифаларида ҳам бир неча чиқишлар бўлиб, асосли фикрлар, мулоҳазалар айтилган эди. Эндиликда бу муаммолар ҳам ўз ечимини топадиган бўлди.

Мамлакатимизда машина-трактор парклари ташкил этишга киришилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатишга даъват этилган бу усул ўзининг ғоят тежамли ва фойдали эканлигини кўрсатяпти. Уни кенг жорий этиш зарурияти туғилди. Шу боис Фармонга биноан машина-трактор парклари қишлоқ хўжалик корхоналарининг буюртмаларига мувофиқ бажарган ишлари учун уч йилгача қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод қилиндилар. Мазкур имтиёзлар натижасида олинган маблағдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — пахта, дон, мева-сабзавот, картошка ва бошқа ноз-неъмат етиштирувчиларнинг буюртмаларига мувофиқ бажариладиган дала ишлари нархи ва тарифларини арзонлаштириш учун фойдаланилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган минерал ўғитлар ва ёнилғи-мойлаш материалларига қўшимча қиймат солиғи белгиланмайди.

Фармонда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун булардан бошқа имтиёзлар ҳам борки, уларнинг бари пировардида тармоқда ислоҳотларни чуқурлаштириш, бу соҳанинг моддий асоси ва молиявий аҳволини мустаҳкамлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларни рағбатлантириш, аграр сиёсатнинг устивор вазифаларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратишга хизмат қилади.

Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 1995 йил якунлари ҳамда жорий йилдаги вазифаларга бағишланган мажлисдаги нутқида **«Биз қишлоққа ёрдам бериб келдик ва бундан кейин ҳам ёрдам бераверамиз»** деб таъкидлаган эди. Бинобарин, «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон бу сўзнинг ёрқин исботидир. У деҳқону чорвадорларимизни, пиллакору сабзавоткорларимизни, хуллас, элни тўйдириш, кийинтириш учун фидокорона тер тўкаётган меҳнат аҳлини енг шимариб ишлашга даъват этади.

Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ЧАРЧАШНИ БИЛМАГАН ОЛИМ

5 апрель куни пойтахт, республика илмий жамоатчилиги, файласуф, жамиятшунос, табиатшунос олимлар вакиллари ЎзРФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти соҳиби, фалсафа фанлари доктори, профессор, уруш ҳамда меҳнат фахрийси Омонулла Файзуллаев таваллудининг 75, жамоатчилик ва илмий-педагогик фаолиятининг 60 йиллигини нишонлаш муносабати билан, йиғилдилар.

Заҳматкаш олим ҳаётига дахлдор ушбу саналарга бағишланган анжуман фанимизнинг ўзига хос кўриги, байрами, унинг ҳозирги кундаги, яъни мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги, юртбошимиз И. А. Каримов доимо таъкидлаётган, масъулиятини янада тўлароқ ҳис этиш тадбирига айланиб кетди.

Чоракам бир аср умр кўрган, ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида ҳаётнинг, илмнинг машаққатли суқмоқларидан самарали одимлаётган, табиатшунослик, фан, техника тарихи, фалсафаси, уларнинг методологик мантиқий муаммоларига бағишланган, 300 дан зиёд, юксак салоҳиятли асарлар муаллифи, 20 дан ортиқ фан докторлари ва номзодларига илмий мураббийлик қилган, қарийб 60 йилдан бери механика, унинг тарихи, назарияси, олий, умумий математика ва фалсафа илмидан талабаларга, аспирантларга, раҳбар кадрларга сабоқ бериб келаётган,бадиий, ижтимоий публицистика соҳасида ҳам ўткир қалам эгаси, иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида қон кечган, ибратли умр соҳиби, ҳозир ҳам фан, маданиятнинг тиниб-тинчимас фидойиси Омонулла Файзуллаев ўзининг ишлаб чарчамаслигининг сабабини халққа, Ватанга, аждодларимиз меросини ўрганиб, улар руҳини шод этишдек улуғвор мақсадларга, беғараз хизмат қилишда кўради.

Олимнинг 75 ёшга тўлиши муносабати билан табрик юборган машҳур ёзувчи ва таниқли жамоат арбоби Чингиз Айтматов О. Файзуллаевни «Ўзбек халқи маданиятининг пойдевор шахсларидан бири», деб бежиз айтмаган.

Москва, Санкт-Петербург ва бошқа шаҳарлардан келган хатлар, шошилинчномаларда ҳам устознинг фаолияти юқори баҳоланган.

Йиғилишда олимнинг ҳаёт йўли, илмий ва жамоатчилик фаолияти ҳақида маъруза қилган институт директори Абдулҳафиз Жалолов ва табрик билан сўзга чиққанлар — академик М. Комилов, ФА мухбир аъзоси С. Шермуҳамедов, шоир Мирмуҳсин, академик М. Хайруллаев, шоир Азим Суюн, техника фанлари доктори Н. Мўминов, фалсафа фанлари доктори М. Абдуллаева, политология фанлари доктори С. Жўраев, ФА мухбир аъзоси Б. Йўлдошев, Олий Мажлис депутати, фалсафа фанлари номзоди Ҳ. Эрматов, Мирзо Улуғбек тумани ҳокими муовини И. Расулов ва бошқалар юбилярга ҳурмат бажо келтириб, унинг фаолиятига, инсоний фазилатларига юксак баҳо бердилар, йиғилганларни, айниқса, ёшларни илмга, халққа, Ватан манфаатларига содиқликда олимнинг ибратли ҳаётидан намуна олишга даъват этдилар.

Ш. ЖАББОРОВ.

Бу ҳаммаси эмас

КИМДАН КЎРСАТМА КУТЯПСИЗ?

Инсон табиати қизиқ. Арзимас нарсадан кўнгли кўтарилиб, кайфияти чоғланади. Сал нарсадан ранжиб, дили хира тортади. Олимларнинг фикрига қараганда кўчага яхши кайфиятда чиққан киши камроқ касалликка чалинар экан. Зеро, ўзинг камолга етган қадрдон кўча бўйлаб бораётганингда унинг номи кўнгилга ғашлик солиб турса, бунинг устига ҳар куни шундай ҳолатни бошдан кечираверсанг... ё кўникасан, ё додингни кимгадир айтасан. Албатта, кўчамизга дилтортар, кўпчиликка маълум, эл ишига хизмати синган бирор инсон ёки жамоанинг номи қўйилган бўлса, унга нима етсин. Бундай кўчаларнинг номиёқ оҳанрабоси бордай ўзига тортаверади.

Хўш, кўнгил тортмаган, биз истамаган номлар билан аталувчи кўчаларда истиқомат қилаётганлар Оллоҳга қандай нома ёзишибдики, уларнинг муродлари ҳосил бўлмаса. Пойтахт шаҳримиз Тошкент кўчаларини кезиб шундай хулосага келдик... Наҳотки, истиқлолимизнинг беш йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрилаётган, қадриятларимизни тиклаш йўлида саъй-ҳаракатлар қилинаётган бир пайтда кўчаларида ҳамон собиқ «қизил империя»ни ёдга солувчи номлар зикр этилганча сақланиб қолаверса?!

Борди-ю йўлингиз тушиб «Катта Фарғона йўли»дан «Ўзбекқоғоз» комбинати томонга қараб бораётган бўлсангиз 5-автобусда ҳайдовчининг **«Октябрь 10 йиллиги»** бекати, деган овози қулоғингизга чалинади. Ишонмасангиз тушиб кўринг. Каттагина кўчанинг бошига **«Октябрь 10 йиллиги»** ёзувли лавҳача осиғлиқ турганининг шоҳиди бўласиз. Шу атрофнинг ўзида **«Лобачев», «Мальков», «Солдатенко»** кўчаларига дуч келасиз. Энди «Ўзбекқоғоз» комбинати ёнига бориб қолдингиз дейлик. Во, ажаб! Бу ерда ҳалиям «инқилоб доҳийси» ёнидаги матрос билан «коммунизм сари» йўл кўрсатиб турибди. Афтидан комбинат раҳбарлари бу ҳайкални «ўта тарихий» ёдгорлик сифатида сақлашаётганга ўхшашади.

Чилонзор томонларга ўтсангиз **«Пионер»** кўчасига дуч келасиз. Қизиғи шундаки, кейинги бекат **«Верещчагин»** деб аталади. Бу мўйқалам соҳибининг ким бўлгани-ю халқимизга қандай «холис» хизматлар кўрсатганини унутиб бўладими? Урушдан олдин бошланган «ура-ура» даврининг қаҳрамонларига аталган кўча ҳам борлигини биласизми? Билмасангиз Бобур номли маданият ва истироҳат боғидан сул тарафда **«Стахановчилар»** кўчасига марҳамат қилинг.

Кузатишлардан шу нарса аён бўлдики, ҳали кўпгина кўчалар аслича қолган. Лекин бу кўчаларга умуман қаралмаган деган маънони англатмайди. Албатта, кўчаларнинг номлари ёзилган лавҳачалар ўзгартирилиб, «улица» ўрнига «кўчаси» деб қўйилган. Баъзи жойларда эса униси ҳам, буниси ҳам сақланмоқда. Айтайлик, ҳаммамизни бўлажак мураббийлар масканига етакловчи **«Педагогический»** кўчасини «Юсуф Хос Ҳожиб» номи билан аталиши мақсадга мувофиқ бўлган. Аммо, маънавиятимизнинг бу сиймосининг номи кўча боши билан охирида кўзга ташланади, холос. Кўчанинг қолган ерларида ҳамон эскича ном сақланмоқда. Ҳанузгача **«Шпильков», «Леваневский», «Ростовская», «Курск», «Горбунов», «Стародубцев»** кўчаларининг номлари янгиланмаган.

Ҳаммаси ҳам майлия, **«Улица Конституций»** ёки **«Ленин учқуни»** кўчаларининг борлигига тоқат қилиб бўладими? **«Орджоникидзе»** кўчаси шаҳримизнинг марказида жойлашганига қарамай, нима «мақсадда» янгича номлашга журъат қилолмай турилибди. **«Пограничная»** ё бўлмаса **«Папанин»** дегани нимаси? Балки **«Краснопресненская»** сўзи баъзилар учун ҳамон жарангдор туюлар?! **«Виктор Малясов», «Червяков», «Дубинин»** кўчалари мавжудлиги-чи? Нима четдан биров келиб маънавий қадриятларимизни тиклаб беришини кутяпмизми?

Бу йил соҳибқирон Амир Темур йили. Бобокалонимизнинг 660 йиллиги таваллудини нишонлашга ҳозирлик кўрилмоқда. У кишининг номи билан аталувчи ҳиёбон баҳорий чирой очмоқда. Шундай бир жойда, «Матбуотчилар» кўчасидан ҳиёбонга чиқавериш муюлишидаги қадимий бинонинг кўзга кўринарли ерига **«Романов»** деб ёзилганига қандай қарайсиз?

Умуман, кундан-кунга чирой очиб, кўркамлашиб бораётган шаҳримиздаги бинолларнинг пештоқларига бир назар солиб қўйсак ёмон бўлмасди. Шунда **«Центральний телеграф»** ёки **«Чирчикстрой»** каби сўзларга ҳам ўрин қолмагани, янгилаш зарурлиги ҳақида фикрга борармидик? Кўчаларни айланиб шундай фикрга келдик. Назаримда фақат йирик кўчаларнинг номи ўзгартирилган. Лекин бундай янгиланиш ички кўчаларга «парда» қилиб қўйилгандай.

Ҳайрли ишнинг кечи йўқ. Кўчаларнинг номларини янгилашда маҳалла аҳлининг фикр-мулоҳазасига ҳам эътибор қилинса, мақсадга мувофиқ бўлармиди? Яна бир фикр. Ҳар бир кўчанинг бошида у кимнинг ёки ниманинг номи билан аталишини эслатувчи қисқа маълумотли лавҳача осилса, кўнгилдаги иш бўларди. Боиси, шаҳримиз меҳмонларию фарзандларимизга, қолаверса, ўзимизга ҳам кимнинг номи билан аталган кўчада истиқомат қилаётганимизни яхши англаб, фахр ва ифтихордан кўнглимиз кўтарилган бўларди. Ахир, Ватан, ватанпарварлик туйғуси каби нозик ҳислар ўз уйимиз ва кўчамиздан бошланади.

Ҳайдар НОСИРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИ

НУКУС. Бу ерда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Президентининг республика Олий Мажлиси IV сессияси ҳамда халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашида сўзлаган нутқларидан, шунингдек, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марказий Кенгаши XV пленуми якунларидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши биринчи котиби А. Асанов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокараларда қатнашганлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда муносиб натижаларга эришаётганлиги, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон бўйлаб обрўси ортаётгани, иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширишда ижобий натижалар сезилаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Пленум қатнашчилари Президентимизнинг халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларни олдиларига муҳим вазифа, деб қўйиб Россия Давлат Думаси қабул қилган қарорга ҳам муносабат билдирдилар, Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни тўла қўллаб-қувватладилар.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков сўзга чиқди.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

***

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят кенгаши пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IV сессияси якуни ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XV пленуми қарорларидан вилоят партия ташкилотлари учун келиб чиқадиган вазифалар хусусида вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Р. Мухторов маъруза қилди.

Музокаралар иштирокчилари партиявий фаолият, маънавий соҳалардаги ишларни янада кучайтириш ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар айтдилар.

Пленум иштирокчилари республикамиз раҳбариятининг Россия Давлат Думасининг собиқ Иттифоқни тиклашга доир қарорига ҳар томонлама асосланган муносабатини ҳамда партиямизнинг ушбу масала юзасидан нуқтаи назарини қўллаб-қувватладилар.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди. Унинг ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Н. Саидов қатнашди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эртага — кончилар куни

МИЛЛИЙ КАДР ҚАДР ТОПДИ

Ҳар бир юртнинг ўз фидойилари бор. Улар, гарчи машҳур кишилар бўлмасалар-да, ўз юртини мамлакатга, кези келганда, ҳатто дунёга танитадилар. Булар чинакам ватанпарварлардир. Чунки инсон боласи ўзи туғилиб ўсган юртини чин дилдан севмаса, ватанини ҳам чин маънода севолмайди. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтилмаган. Шу маънода пойтахтдаги муҳташам биноларда, улуғвор қасрларда ўтирган кишиларнинг ўзларини шу нурли манзилга етаклаб келган ватаннинг тупроқ йўлларию сўқмоқларини ҳам севмаслиги мумкин эмас. Ёки мамлакатнинг олис бурчагида фидокорона тер тўкаётган геологнинг ўз Ватанига бўлган муҳаббатини олайлик. Булар муқаддас ватан туйғусидир.

Ватан туйғуси айрича бўлиши мумкин эмас. «Самарқандгеология» давлат геология корхонасига қарашли Зармитан геология дала қидирув экспедициясининг бошлиғи Холмўмин Ҳаитов билан суҳбатимиз шу мавзудан бошланди.

— Холмўмин Исмоилович, касбга садоқат, Ватанга садоқат ва муҳаббатнинг бир бўлаги. Сиз тармоқда биринчи бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти — Дўстлик орденига сазовор бўлдингиз. Юртбошимиз қўлидан ана шу олий нишонни олаётганингизда ҳаёлингиздан нималар кечди?

— Аввало, айтишим керак, бу фақат менинг меҳнатимгагина эмас, балки бутун жамоамиз саъй-ҳаракатига, Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссасига берилган мукофотдир. Мен иш фаолиятимни жамоадан айрича тасаввур эта олмайман. Чунки геология кўпчилик бўлиб ишлашни ва айни пайтда ҳар бир кишининг аниқ ҳаракат қилишини ёқтиради. Ер қаъридаги бойликни қидириб топиш ва юзага чиқариш ҳазилакам иш эмас. Ифодали айтсак, афсонавий ишга ўхшаб кетади. Касби-корига садоқатли жамоамиз аъзолари ана шу қийин ва шарафли юмушни муваффақиятли адо этяпти. Хусусан, қимматбаҳо металлар заҳирасини излаб топиш ва ўстириш топшириғи бултур 115 фоиз бажарилди. Аввалги йил эса 110 фоиз бўлган эди. Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ, баъзи қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди.

— Дарвоқе, қийинчиликлардан сўз очдингиз. Аслида геологиянинг ўзи қийин соҳалардан бири. Тоғу тошда, саҳрою чўлда, қишқаси, оғир, мураккаб шароитларда ишлашга тўғри келади. Табиат ўз бойликларини инсоннинг назари тушмайдиган жойларга яшириб қўяди, деганлари шу-да. Шундай экан сиз қайси қийинчиликларни назарда тутаяпсиз?

— Энди бироз чекинишга тўғри келади. Бизда илгари, яъни собиқ Иттифоқ даврида миллий кадрлар деярли йўқ эди. Борлари ҳам масъул нуқталарга яқинлаштирилмас, иккинчи ва учинчи даражали юмушларда ўралашиб юришарди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг четдан келиб ишлаётган кадрлар камайди. Барча мураккаб ишлар маҳаллий кадрлар гарданига тушди. Лекин институтни битириб келган ёш кадр бирданига геологчиман. Бу етук мутахассис оталиғида чиниққан, касб маҳоратини пухта эгаллаган Шавкат Дўстқулов, Анвар Олимов, Ғофир Эргашев сингари геологларимиз бугунги кунда энг масъулиятли ишларга бош-қош бўлишмоқда. Ҳозир бизнинг экспедициямизда кадрлар масаласи тўла ҳал этилган.

Яна бир муаммони кадрларимизнинг ўзлари ҳал этишди. Маълумки, геология ишлатиладиган бурғулаш дастгоҳлари, ер ости ишларини бажарувчи механизмлар, асбоб-ускуналар, юклаш машиналари, электровозлар, пармалаш-бурғулаш ускуналари асосан четдан келтирилади. Тасарруфимиздаги ана шу асбоб-ускуналарнинг қарийб тенг ярми, транспорт воситаларининг деярли ҳаммаси эскириб, ўз муддатини ўтаб бўлди. Табиийки, бундай аҳволда юқори иш самарадорлигига эришиш амри маҳол. Лекин жамоамиз аҳли ғойибдан мадад кутмади, қийинчиликни рўкач ҳам қилмади, аксинча бор имкониятларни ишга солдилар. Қўли гул таъмирловчиларимиз, чилангарларимиз техника паркининг тўлиқ ва тўхтовсиз ишлашини таъминлашяпти. Ҳатто завод шароитида бажариладиган баъзи мураккаб таъмирлаш ишлари ҳам ўзимизда бажарилаяпти. Бу, маҳаллий кадрларимизнинг нақадар лаёқатли, ўз касбларига садоқатли эканидан далолат эмасми?

— Ҳа, инсон омили тўғри йўлга қўйилган жойда муваффақият бўлиши тайин. Буни сиз раҳбарлик қилаётган жамоа мисолида яққол кўриш мумкин. Ўтган йил бир неча миллион сўм фойда билан якунланган саъй-ҳаракатларнинг натижасини кўзгуда акс этгандай кўрсатиб турибди. Режалар ҳам салмоқли. Айтингчи, айни пайтда сизни нималар кўпроқ ўйлантиряпти?

— Шимолий Нурота тоғ тизмаларида қадимги кончилик излари учрайди. Лекин Зармитанда олтин кони борлиги эҳтимолини биринчи бўлиб академик Иброҳим Ҳамрабоев айтган. Унинг башорати бугун ҳақиқатга айланди.

Олтин — элемент сифатида табиатда энг кўп тарқалган унсур. Афсуски, олтин конларини қидириб топиш ўта машаққатли иш, кўп меҳнат, назарий билим талаб қилади. Ҳамма соҳада бўлгани каби геологияда ҳам сон ортидан қувиш, баландпарвоз рапортлар беришга интилиш, гигантомания касаллиги бор эди. Табиийки, бунда иш ҳажми асосий эътиборда бўлиб, геологик натижалар чуқур таҳлил қилинмасди. Нуқул катта конлар тошиш ортидан қувиб, кичик конлар ҳамда йўл-йўлакай учрайдиган бошқа маъданларга эътибор берилмасди. Кончилар иши лаҳм қазувчилар ишига ўхшаб кетарди: қанча кўп кавласанг, шунча кўп баҳо олардинг. Иқтидорли ёш геологлар ишбошн бўлгач, бу услубга барҳам берилди. Айни пайтда бир неча йил илгари ўтилган йўлларга қайта назар ташлаб, геологик натижалар тафтиш қилинаяпти. Бу эса жуда катта моддий ресурсларни тежаш билан бирга янги олтин заҳираларини топиш имконини берди. Ўтган йилда катта фойда олишимизнинг омилларидан бири ҳам шунда.

— Яхши ишлаган яхши яшашга, демакки, яхши маош олишга ҳақли...

— Тўғри таъкидладингиз. Хазинатопарлар алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар. Чунки дала-даштда ёки ер остида ишловчи ходимлар меҳнатини бошқа тоифага тенглаш қийин. Шунинг учун ходимларимизга енгиллик яратиш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дам олиш уйлари ва санаторийларга бепул йўлланмалар бериш доимо диққат-эътиборимизда.

— Энди дастлабки саволимизга қайтсак. Унга тўлиқ жавоб қайтармадингиз...

— Юртбошимиз қўлидан юксак нишонни олаётганимда аввало Мустақиллигимизга шукроналар айтдим. Кейин миллий кадрлар қадр топганидан бошим осмонга етди.

Суҳбатдош:
БОБО САРОИЙ.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР УЙИДА УЧРАШУВ

1996 йил — Амир Темур йили

Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқалар миллий ассоциацияси ва «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамияти Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан «Амир Темур — улуғ соҳибқирон ва давлат арбоби» мавзуида учрашув ўтказди. Учрашувда ассоциация раиси М. Мирқосимов, академик, «Ўзбекистон — Малайзия» дўстлик жамияти раиси Ж. Абдуллаев, академик А. Аскаров, Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчиси Муҳаммад Резван бин Муҳаммад Кушайри, олимлар А. Муҳаммаджанов, У. Уватов турли мавзуларда маъруза қилдилар. Улар улуғ бобомиз Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни, ўрта асрларнинг улуғ соҳибқирони эканлиги, ўша даврда фан ва билим равнақи, Малайзия билан олиб борилаётган дўстлик алоқаларининг истиқболи ҳақида гапирдилар.

Кўнгил нуқтаси

ГУЛЛАРИНГИЗ БУНЧА ЧИРОЙЛИ

— Зумрад опа, гулларингиз бунча чиройли! Йўлагингизга бирам ярашибдики... Бизнинг ҳовлимизда ҳам қирқоёқ деган шунга ўхшаш гуллар буларди. Ёз пайтлари томгача ўралашиб чиқиб кетарди. Ўша гуллар эсимга тушиб кетди. Қаердан олдингиз? Қиммат эканми?

— Отчопардан — ҳар битта шохини 150 сумдан олдим, ўргилай. Одам деган мундоқ уйига ҳам қараб туриши керак. Иш-иш деб юраверган билан бўлмайди!

Завқ-шавққа тўлиб турган Ойгулнинг нафаси ичига тушди. Қўшнисининг чертиб-чертиб, айтаётганлари оддий гапмас — юзига урилаётган тарсакидай туюлиб, тили калимага келмай, бир зумгина карахт бўлиб туриб қолди. Аёл киши бўш келармиди — дарров узини ўнглаб жавоб қайтарди:

— Нега ундай дейсиз, опа! Бизникида бунақа қимматбаҳолари бўлмаса ҳам, айвонимиз тула гул-ку! Қишин-ёзин яшнаб туради. Мен гул устиришни жудаям яхши кўраман.

— У гуллар қаёқда-ю, бу гуллар қайда! Айвонингизга ким ҳам кирарди. Эшик қоққан кишининг кўзи биринчи йўлакка тушади, айланай! Сиз ҳам обкелиб чиройли қилиб осиб қўйинг. Аёл киши аёллигини қилиши керак.

Қўшнисиникига бирров қунғироқ қилгани чиққан Ойгулнинг ранги оқарди. Шу тобда заррин зиё сочаётган биллур қандил унинг кўзига аждарнинг бошидай кўриниб кетди. Зумрад опа кечагина ўша матоҳни эри нақ 700 долларга олиб келганини гапириб жигига текканди. Бугун эса...

Зумраднинг эри қаердадир бош ошпаз бўлиб ишлайди. Ойгулники эса институтда дарс беради. Ўзи — аспирант. Икки хонали уйда уч бола билан яшашади.

Ойгул Зумраднинг қунглини олмоқчи бўлиб кийган кийимини мақтаса ҳам балога қолади: «Нодиржонга айтинг — сизга ҳам оберсин! Ёш нарса, чиройли булиб юринг. Эрнинг кўзига оловдай кўринишнинг гаштига нима етсин! Тўртта китобни уқдан — бу ёққа қўлтиқлаб юравергандан фойда йўқ. Мундоқ тирикчилик ҳам қилсин» деган дашном эшитади. Янги уйга кўчиб келишганига етти йил бўптики, аҳвол шу. Ойгул ҳар гал ён беради. Мендан 3-4 ёш катта-ку, деб тилини тияди. Бир сафар қизлари уч яшар ўғилчасини боғчадан обкелишаётганда йўлларини тўсиб: «Менга ўғил бўлсанг, «фалон» нарсаларни оберардим. Ойинг билан даданг барибир оберишмайди...» каби куракда турмайдиган гаплар қилган. Ушанда Шоҳруҳ уйга кириб: «Сизларга ўғил бўлмайман. Мени яхши кўрмас экансизлар. Зумрад холам айтдилар!» деб роса хархаша қилиб Ойгулнинг юрак-бағрини ўртаб ташлаганди. Ўша воқеалар эсига тушиб кетдими, ишқилиб аёл бу сафар андиша қилиб ўтирмади.

— Уйга қа-рааб ўтириш учун сизга ўхшаб бекорчи бўлиш керак-да!

Мен эса кун бўйи ўқишдаман, шанба, якшанбада ҳам қизларимни тўгаракка оборио обкелишим керак. Қолаверса, Мумин акадан қа топиш-тутишли ҳужайинингиз бўлгандан кейин уйингизни, ўзингизни ясатиб ўтирмасангиз — нима ҳам қилардингиз!

Зумрад Ойгуллан бундай гап кутмаганди. Лекин сир-бой бермади:

— Ҳамма ҳам дунёга бир марта келади. Шунинг учун одамга ўхшаб яшанглар дейманда, ўргилай!

Демак, биз бу хотиннинг назарида одамдай яшамаётган эканмиз-да! Ойгул юзида табассум билан ҳужумни давом эттирди:

— Ҳа, энди сизларнинг ёшингизга етгунча, бизнинг ҳам биримиз икки бўлиб қолар. Лекин мен бир нарсага ҳайрон қоламан, опа! Шунча мол-дунёнгиз бўла туриб уйингизда бир дона ҳам китоб кўринмайди-а! Энг ноёб китоблардан олиб жавонларингизга чиройли қилиб териб қўйсангиз бўлмайдими? Китоб — энг яхши бойлик. Бунинг устига кун бўйи бир узингиз ўтириб зериксангиз керак. Шунақа пайтда ҳам китоб яхши ҳамроҳ бўлади одамга! Қизларингиз уқиса ҳам қандоқ яхши! Ҳеч бўлмаса, «Шайтанат»ни обқўйинг, уқимаган одам қолмади-я, бу китобни! Майли, бўлмаса, мен чиқа қолай, тезроқ овқат солиб — дарсга кетмоқчийдим...

Ойгул Зумраднинг жавобини эшитиш у ёқда турсин, қўшнисининг чимирилган чеҳрасига ҳам қарамай, шоша-пиша чиқиб кетди.

Мен бу суҳбатга бир оғиз сўз қўшганим ҳам, олганим ҳам йўқ. Қандай юз берган бўлса шундайлигича қоғозга туширдим. Қўшниларнинг бирини оқлаб, иккинчисини қораламоқчи ёки бирига ачиниб, кейингисига дашном бермоқчи ҳам эмасман. Ҳолбуки, уларнинг иккиси ҳам меҳрга, эътиборга муҳтож аёллардир. Бири кўча ташвишларидан безган, иккинчиси рўзғор юмушларидан толиққан, бири уйига ошиқиб қийналса, кейингиси одамлар — тенгқурлари даврасини қўмсаб асабийлашади.

— Шундоқ ҳам ўзини қуярга жой топмай безовталанаётган кўнгуллар ҳалиги носамимий суҳбатдан сўнг баттар ғашланган бўлса керак. Ўша куни Ойгул мулжалидаги ишларини битиролдимикин! Ҳеч кимга зиён-заҳмати тегмайдиган қўшнисининг дилига озор бериб қўйганини Зумрад сезмади дейсизми! Сезган албатта.

Ҳар куни уйга қайтишда ҳол-аҳвол сўрашиб ўтадиган Ойгул энди қўшнисиникига дадил кириб келолмайди. Зумрад эса бундан сўнг тўғри гапини ҳам минг мулоҳаза билан айтишга мажбур. Наҳотки, бор-йўғи бир неча оғиз қалтис гап туфайли уларнинг орасидан ола мушук ўтган бўлса?

Ахир китоб уқимаганлиги учун бировдан гина қилиб бўладими! Ёки уйида антиқа қандиллари ва қимматбаҳо сунъий гуллари бўлмаганлиги туфайли бир том остида яшаётган қўшнисига дашном бериш инсофданми?

Аслида бу икки қўшнининг бир-бирларига нисбатан мутлақо адовати йўқ. Лекин кунгиллари дарз кетгани рост!

Одатда қаттиқ жанжаллашгандан сўнг одамлар ё бир-бирлари билан бутунлай «орани очиқ» қилишади ёки яхшигина дўст бўлиб қолишади. Лекин негадир юқоридагидек киши билмас «жанг»ларнинг асорати узоққа чўзилади ва ҳамиша кунгилга соя ташлаб туради.

Ҳаётда бир-бирига ўхшаш инсонлар кўп. Лекин улар айнан бир хил эмас. Нимаси биландир албатта фарқ қилади. Шундай бўлгани яхши-да! Агар ўша одамларнинг яшаш тарзи ҳар хил бўлса нима қипти? Бунинг учун асабийлашиш, ачиниш ёки ажабланиш шарт эмас! Бу дунёга ҳамма меҳмон. Демак, ўз ҳолича яшашга ҳамма бирдек ҳақли.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Иқтисодиёт олами

ҚИШЛОҚ ГУЗАРИДА МАИШИЙ ХИЗМАТ

АНДИЖОН (мухбиримиздан). Дала меҳнаткашларининг этикдўзга, сепаратор созловчи устага иши тушади. Кимдир кийим-кечагини кимёвий тозалашга топширса, бошқаси янгисига буюртма беради. Суратчи-ю сартарошларга ҳам мижоз топилади.

Марҳамат туманида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишларига ана шундай эътибор қилинмоқда. Кейинги икки йилда 326 та кичик корхона ва маиший хизмат шахобчалари очилди. Бундай мақсадлар учун ўтган йили 9 миллион сўм сарфланди. Қишлоқ гузарларида пойабзал, сепаратор таъмирлашдан тортиб, кийим-кечак тикишгача бўлган хизмат турларини бажарувчи устахоналар бор. Чойхона, суратхона, этикдўз устахонаси ва кино кўрсатиш жойи ҳамиша гавжум. Ровот қишлоғидаги гузарда эса бозорча ва хоммом ишлаб турибди.

«ДЎСТЛИК» ШИФОХОНАСИ ҚУРИЛАДИ

ТОШКЕНТ (мухбиримиздан). Кореянинг халқаро ҳамкорлик бўйича Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги «Политотдел» жамоа хўжалигида «Дўстлик» шифохонасини барпо этишга келишдилар.

Бўлажак шифо маскани икки ярим гектар майдонни эгаллайди. Замонавий тиббий хизмат талабларига жавоб берадиган бу шифохонада жарроҳлик, физиотерапия, рентген, лаборатория хоналари бўлади. Атроф кўкаламзорлаштирилиб, хиёбонлар барпо этилади. Бу мақсад учун Жанубий Корея 300 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратмоқчи.

Абдунаби МАННОПОВ.



Тошкентдаги «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятида халқимизга бежирим кийим-кечаклар етказиб бериш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Тайёрланаётган костюм-шимлар жаҳон стандартларига мос келади. Бу маҳсулотлар пишиқ, сифатли бўлганлиги туфайли тобора харидоргир бўлиб бораётир.

Корхонада меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда. Моддий манфаатдорлик ошиб бораётир. Шуниси қувончлики, корхона қошида якка тартибдаги буюртмаларни қабул қилиш цехи ишлаб турибди. Унинг хизматидан кўпчилик мамнун. Илғор чеварларнинг ғайрат-шижоати таҳсинга лойиқ.

Суратда: (чапдан ўнгга) цех бошлиғи Мавлуда Каттахўжаева, уста Анора Машарипова, бичувчи Марат Баҳромов навбатдаги буюртма бўйича маслаҳатлашмоқда.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Касб зийнати

УМР КАРВОНИ

Бу йўллардан кимлар ўтган, кимлар ўтмаган?

Поезд ойнасидан гўё ўз ташвиши билан ўзи овора дунёга тикилиб, ўйлайман.

— Яхши кетяпсизми? — деган саволдан ўзимга келдим.

Рўпарамга ўрта ёшлардаги, сочларига оқ оралаган бир киши келиб ўтирди.

— Раҳмат... — Суҳбат пича чўзилди. Бу одамнинг исми Султонхўжа бўлиб, мен кетаётган Тошкент — Москва 5-тезюрар махсус поезднинг бригадири эканлигини билдим.

У консерваториянинг халқ чолғу ансамбли бўлимини тугатган экан. Мусиқа ҳар ҳолда кўнгил майли билан бўладиган иш. Султонхўжа ака шу боисданми, шуни англаган ҳолда бу соҳани касбга айлантириб тирикчилик манбаи деб қарамасликка интилган кўринади. У кишига мен ҳам савол бераман:

— Сиз ўз касбингиздан розимисиз?

— Албатта, мен кўнглим ёр бермаган ишни ҳеч қачон қилолмайман.

— Мусиқага қандай қарайсиз?

— Бу бутунлай бошқа дунё, мен мусиқадан ҳеч қачон кетмаганман. Балки сиз учун кулгилидир, аммо баъзан қўшиқларнинг мусиқаси ёқмай қолса, ўзимча бошқачароқ мусиқа топаман. Ва ўша куни кун бўйи зўр ишни дўндирган одамдай хурсанд юраман.

— Мана, тинимсиз йўлда экансиз. Бу йўл азоблари жонингизга тегмайдими?

— Аксинча, куч беради.

— Нималар сизни қийнайди? — деб сўрайман тағин.

— Мана, шу кетишда кўрасиз, нималар бўлишига ўзингиз гувоҳ бўласиз. Қозоғистондан то Оренбурггача бўлган ҳангомаларни кўриб «зерикмай» кетасиз.

— Нега унақа деяпсиз?

— Қозоғистонда кетаётганимизда поезд ҳар бир станцияда тўхтайди. Ўн-ўн беш дақиқа қолиб кетамиз. Одам кўп, ҳаммаси ҳам ўз манзилига етиш учун шошилади. Ур-йиқит... Мана бу йўлакларга одам сиғмай кетади. Кўплари тирикчилигини ўтказиш учун савдо-сотиқ ҳам қилишади. Ҳа, майли уларни ҳам тушуниш керак. Муроса-мадора қилиб келяпмиз. Уларга ҳам қийин. Тез юрар махсус поездимиз манзилга тезроқ етиб борса, деймиз. Шу ўринда айтиб ўтмоқчиманки, ўзимиз поездимизнинг ремонтига баҳоли-қудрат ҳисса қўшдик. Бу ўринда депомизнинг бошлиғи Фаррух Дадахўжаевнинг катта ҳиссаси бор. Анча-мунча ўзгаришлар қилди.

— Назаримда, яна бир нима демоқчисиз-а?...

— Ҳозирги кунда бизнинг 5-тезюрар поездимиз «махсус»ланди. Ҳамма каму-кўстимизни ўзимиз топиб-тутиб таъмирлаймиз. Вагонлар жуда эскириб кетган. «Эскини ямагунча, эсинг кетади», деганлари бежиз эмас. Хоҳ қишнинг қаҳратон совуғида, хоҳ ёзнинг жазирамасида бузилиб қолса, таъмир қилишни кўринг? Айниқса, йўллар музлаб, совуқ эт-этингиздан ўтиб турганда, электр симлари ўчиб, баъзида иситкичлар узилганда уларни улагунга қадар хунобингиз ошади. Йўллар узоқ, йўллар узун... Чипталар баҳоси эса... Йўловчилар баъзида чиптасиз чиқишади. Йўл назоратчиларни туширнб юборишади. Натижада яна асабингиз таранглашади. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, деганларидек, айтаверсам гап кўп.



Энди, бу қийинчиликлар ҳаммаси ўткинчи. Худо хоҳласа, Олмония вагонлари ишга туширилса, узоқ яқинлашади. Халқимга нафим тегиб келаётганлигидан хурсандман.

— Умрингиз йўлда ўтаётганидан афсусланмайсизми?

— Асло. Йўлда кўп юрган одам кўп нарса кўради. Кўп қисматнинг гувоҳи бўлади. Бошқача айтганда, ҳамиша ҳаётнинг энг қайноқ жойида яшайди. Бу эса инсонни тоблайди.

Суҳбатимиз шу ерга етганда купедан суҳбатдошимни зарур иш билан чақириб кетишди. Кейинроқ яна суҳбатлашдик. Унда Султонхўжа Маъруфхўжаев ҳозирги шароит ҳақида мамнуният билан гапирди.

Ҳар гал йўлга чиқар экан, аввало у онасини соғинажагини, уни ҳар лаҳза кўргиси келиб туришини, оиласи, фарзандлари қошига эсон-омон етиб келишини гапирди.

... Поезд пишқирганча ўз манзили томон ошиқарди. Кўксида нималардир изилларни туширнб юборишади. Натижада яна асабингиз таранглашади. Сайр ҳам сайр, саргардон ҳам сайр, деганларидек, айтаверсам гап кўп.

ДУНЁ Океаналари

ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

• Покистоннинг Карочи шаҳрида «Миллий муҳожирлар ҳаракати» мухолиф кучларининг ташаббуси билан ҳукуматга қарши норозилик намойиши бошланди. Карочи полицияси мазкур ҳаракатнинг бир неча аъзоларини қўлга олгани ва ҳеч бир далилсиз уларни отиб ташлагани норозиликка сабаб бўлди.

Шаҳар полиция бошқармасининг хабар қилишича, вазиятнинг қалтислигига қарамай, қўзғолончилар билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида қуролли тўқнашув содир бўлгани йўқ.

ҲАЛИ ТЎЛИҚ МАОШ БЕРИЛМАЯПТИ

• Волжск автомобиль заводи бир неча йиллик иқтисодий қийинчиликдан сўнг шу йилнинг март ойидагина автомобиль ишлаб чиқаришда қониқарли натижага эришди — соатига 148 та енгил машина ишлаб чиқариладиган бўлди. Ўтган давр мобайнида завод иқтисодий оғир аҳволга тушиб қолган, иш ҳақи икки ҳиссага камайган эди. Завод директорининг айтишича, фақат июнь ойига бориб ишлаб чиқаришда сезиларли ютуққа эришиш мумкин. Ана шундагина завод ўз ишчиларига тўлиқ иш ҳақи бера бошлайди.

МИЛЛИЙ АНЪАНА ТИКЛАНМОҚДА

• Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг Фармонига биноан қозоқ миллатига мансуб кишилар эндиликда ўз исм-фамилияларини миллий анъанага асосан ёзиш имкониятига эга бўлдилар, яъни, фуқаролар оталарининг исмидан сўнг жинсига қараб «ўғли» ёки «қизи» сўзларини ёзадилар.

ВАЗИРНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Чехия ташқи ишлар вазири Й. Зеленец Россия ва Беларусь имзолаган шартнома хусусида баёнот берар экан, ушбу мамлакатлар ўртасидаги интеграция бошқа мустақил давлатлар ҳисобига амалга оширилмаслиги керак, деди. Шунингдек, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан бирлашишга уриниш йўлидаги мазкур ҳаракат собиқ шўро ҳудудидаги бошқа мамлакатлар манфаатига зиён етказмаслиги лозим, акс ҳолда бу жаҳон ҳамжамиятининг қатъий эътирозига сабаб бўлади, дея таъкидлади Чехия ташқи ишлар вазири.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

• Италия Президенти О. Л. Скалфаро БМТга аъзо давлатлар раҳбарларига мурожаат қилиб, халқаро ҳамжамиятга аъзолик бадалларини тўлашга чақирди. Айни пайтда тўланмаган бадаллар миқдори 3 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Унинг учдан бир қисми АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Ҳозиргача 1996 йил учун 47 мамлакат бадал тўлаган холос.

***

• АҚШ ҳукумати Ливиянинг кимёвий қурол ишлаб чиқариш борасидаги ҳаракатларини тўхтатиб қолиш учун куч ишлатишдан ҳам тоймайди, деб баёнот берди Мисрга ташриф буюрган АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри. У Миср раҳбарларини Ливия ер ости заводида кимёвий қурол ишлаб чиқаришни режалаштираётгани ҳақида бохабар қилган.

***

• Ўтган йили Хитойда гиёҳванд моддалар савдосига алоқада айбланган 73,7 минг киши қамоққа олинган. 2 минг 32 ашаддий жиноятчи қатл этилган ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Полициячилар 2 тоннадан зиёд героин, 1 тоннадан ошиқ опиум ва бошқа гиёҳванд моддаларни қўлга туширган.

Аломат гаплар

СЎНГГИ ДИНОЗАВР

ЭДИНБУРГ. Ҳайвонот дунёси одамзотни ҳеч қачон бефарқ қолдирмаган. Фанда кашфиётлар кўп. Мутахассис олимлар ҳайвонот дунёсидан ҳам «янгилик» излагани-излаган. Лекин кашфиётлар ичида шундайлариям учрайдики, у ўзи топган янгилик қаршисида ўзи ҳайратланадиган Лох-Нессида пайдо бўлган «баҳайбат маҳлуқ» ҳақида турли шов-шувлар тарқалди.

Дастлаб франциялик таниқли зоолог, доктор Майкл Дженнет 1989 йилда «Нессида қидириш» ишчи экспедициясини тузганда «маҳлуқ бир афсонадир» деган қарашлар ҳам бўлганди.

Экспедицияда Франция, Италия, Бельгия, Германия, Швеция, Норвегия, АҚШ ва украиналик олимлар қатнашди. Ва ниҳоят, «баҳайбат сув ости маҳлуқи» «қўлга тушди». «Баҳайбат» деганларича бор экан. Унинг узунлиги 20 метр, оғирлиги эса 20 тонна!

Ҳозирча у Шотландияда тутқунликда — махсус тўр қафасда сақланаётир. Олимларнинг дастлабки маълумотларига қараганда, у ер юзидаги сўнгги динозаврдир. Лох-Нессидаги динозаврни ўрганиш, фанга етарлича маълумот бериш ишлари эса ҳали поёнига етгани йўқ.

— Динозаврдан қон олиб, текшириш, уни «ўрганиш, ўзлаштириш» тугагачгина уни «озодлик»ка чиқарамиз, — дейди доктор Майкл Дженнет. — Қизиғи, у аллақачон ғоввослар билан «тиллашадиган» бўлиб қолган.



Руминия: бугунги Фаре порти.

Қаранг-а, ҳаттоки баҳайбат маҳлуқ—сўнгги динозавр ҳам инсон қўлига ўрганди. Балки у сўнгги эмасдир. Чунки ҳайвонот олами ғаройиботларга тўла. Ҳозирча бир нарса дейиш қийин.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 8

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Қадимги маросимлар». «Тановар» рақс театрининг янги дастури.
9.00 «Фермер». Тележурнал.
9.30 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 4-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Публицистик кўрсатув.
10.35 «Эъзоз». Телеочерк.
11.05 «Табиат шайдолари». Тележурнал.
11.35 Немис тили.
12.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хор жамоаси концерти.
12.35 «Ҳангома». Юмористик кўрсатув.
12.55 «Сиз ҳам осмонни кўрасиз». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Истеъдодлар — юрт таянчи». Ўқувчи ёшларнинг Республика олимпиадаси.
18.40 Футбол шарҳи.
18.55 «Бугунги Европа». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 Биржа ва банк хабарлари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Юлдузларни кўзлаб турган Ўзбекистон». Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги олдидан.
21.45 «Мен юртимни куйлайман». Мусиқий дастур.
22.30 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.30 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.05 ТВ II намойиш этади.
19.15 «Постфактум».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Курьер».
20.15 «...яна об-ҳаво ҳақида».
20.20 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 «Уфқлар».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.10 — 24.00 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Олатов гулдастаси». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.40

*

20.40 «Хонанда тақдири». Бадиий фильм.
21.55 Эълонлар.
22.05 «Тропиканка сири». Телесериал.
22.55 Эълонлар.

*

Россия давлат телевидениеси
23.00 — 23.30

*

23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун кўрсатув.
19.35 «Замин саховати».
20.05 «Янги иқтисод».
20.35 «ЭКОСАН». Табиат ва одам.
21.05 «Спорт-тайм».
21.35 «Тогдаги қичқириқ». Бадиий фильм.
22.35 Эълонлар.
22.40—23.20 «Кимга, қанақа?» (такрор.).

СЕШАНБА, 9

*

АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 Диққат, премьера: «Соҳибқирон — иждодор нигоҳида» («Ўзбектелефильм»).
8.55 «Эътироф». Амир Темур жамғармаси.
9.30 Ўзбекистон тарихи.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Табаррук қадамжолар». Бадиий-публицистик кўрсатув.
11.15 «Эзгуликка аталган совға».
11.35 «Асрлардан сўйлар бу тупроқ». Видеофильм.
12.30 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
12.50 «Амир Темур дурдоналари». Телефильм.
13.10 «Соҳибқирон юрган йўлларда». Видеофильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
«ЕТТИ ИҚЛИМ ҲУКМДОРИ» ПУБЛИЦИСТИК КЎРСАТУВЛАР ДАСТУРИ:
18.10 1. «Болаликдан бошланур дунё».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 2. «Хайр ўтмиш, ассалом келажак».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 3. «Бизким, мулки Турон...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.55 «Навоий лирикаси».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 ТВ II намойиш этади.
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-уик».
20.10 «АРТ-журнал».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Эртак учун раҳмат». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.05 — 20.40

*

20.40 «Оқсоқоллар». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 23.15

*

23.15 Эълонлар.
23.20 «Тропиканка сири». Телесериал.
00.10 — 00.20 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Меҳмонхона сири». Телесериал.
19.55 Эълонлар.
20.10 «Ҳаёт ва қонун».
20.40 «Ўзбекистон — Франция: ҳамкорлик истиқболлари». Телеочерк.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Вавака». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10 — 20.40

*

20.40 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55 «Тропиканка сири». Телесериал.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 «Тақдир». Амиржон Шукуров (такрор.).
20.10 «Интермулоқот».
20.35 «Хайрли кеч, Тошкент!».
21.35 «Шалом!».
21.55 Эълонлар.
22.00—23.30 «Кинематограф».

ЧОРШАНБА, 10

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Саҳна ҳаёти». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров.
9.25 «Биржа ва банк хабарлари».
9.40 «Соғлом авлод учун». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар».

Ўқув машғулотлари:
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 Ассалом, япон тили!
11.40 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
12.10 «Талабалик йилларим». Таҳлилий кўрсатув.
12.40 «Тенгалик болалар». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Алдар кўса». Мультфильм.
18.25 «Иқтидорлар — Ватан келажаги». Халқаро математиклар турнирининг шаҳарлараро мусобақаси.
18.55 Спорт хабарномаси.
19.10 «Шифокор маслаҳати». Миллий эмлаш куни.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Фарғона вилояти.
21.30 Санъат усталарининг концерти.
22.20 «Икки буюк тақдир». Амир Темур ва Бобур сиймоси.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 01.00 «Гап йўқ». Юмористик кўрсатув.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.30 ТВ II намойиш этади.
18.40 «Кулгига нима етсин!»
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ҳайвонот оламининг сири».
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.20 — 00.20 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Вавака». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.10 — 20.40

*

20.40 «Шоҳсупа сари».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 22.50

*

22.50 Эълонлар.
22.55 «Тропиканка сири». Телесериал.
23.45 — 23.50 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
19.30 «Тақдир». Амиржон Шукуров (такрор.).
20.10 «Интермулоқот».
20.35 «Хайрли кеч, Тошкент!».
21.35 «Шалом!».
21.55 Эълонлар.
22.00—23.30 «Кинематограф».

ПАЙШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Гап йўқ». Юмористик кўрсатув.
9.45 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Севгим баҳори». Мусиқий дастур.

Ўқув машғулотлари:
10.30 Ботаника.
11.00 Ўзбек тилини ўрганамиз.
11.30 География.

*

12.00 Қишлоқ тадбиркорлари. «Имконият излаб». Телеочерк.
12.30 «Бешинчи довон». Видеоканал.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.

(Давоми 4-бетда).

Тарих — сабоқ

ҚИЗИЛ ИМПЕРИЯ ТИКЛАНМАЙДИ

1991 йилда собиқ СССР ҳудудида бўлган қардош республикалар, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон Республикалари ҳам ўз мустақилликларига эришдилар. Халқимизнинг асрий орзуси ушалди. Лекин озодлик учун биз катта қурбонлар, йўқотишлар бердик. Буни билмоқ, англамоқ учун ўтмиш тарихга мурожаат қилмоқ, дўстларимиз ва душманларимиз айтган аччиқ ҳақиқатни бир-бир кўз ўнгимиздан ўтказмоғимиз керак. Қизил империя бошида турган В. И. Ленин бир вақтлар (1917 — 1924) Ўрта Осиё халқларига эркинлик, ўзини-ўзи бошқариш ва иттифоқдан мустақил бўлиб ажралиб чиқиш ҳуқуқи ва бошқа демократик ҳақ-ҳуқуқлар ваъда қилганди.

Тоталитар тузумнинг барча ёлғон ваъдалари, сохта найранглари сароб бўлиб чиқди. Қизил большевиклар, шахсан В. И. Ленин Шарқ халқларининг ёлғон халоскори бўлиб майдонга чиқиб, Ўрта Осиё халқларига инсоний ёрдамини аямайдирган, эзилган халқларга гўё «доҳий» мададкор бўлиб кўринди. 20-йилларда ўзларича Туркистонга беқиёс иқтисодий ёрдам кўрсатган бўлдилар. Халқлар «доҳий»си гўё Мирзачўл даштларини обод қилиш — суғориш, ўзлаштириш учун миллион-миллион маблағ ажратди. Лекин Мирзачўлни ўзлаштиришга ажратилган 50 миллион пул қани? Бу маблағ қаерга сарфланди, деган саволларимизга 20 йилдан буён тарихчи олимлардан аниқ жавоб ололмадик. Аслида буям Россия империалистларининг навбатдаги ёлғонлари эди.

МОЗИЙГА НАЗАР

Россия империясининг ҳарбий мутахассиси, 1839 — 1840 йилларда Хивани босиб олиш учун уюштирилган ҳарбий экспедиция қатнашчиси, Шарқда Чингизхон ва Амир Темурдек икки буюк саркарданинг ҳарбий юришлари, тактик ва стратегик ҳарбий юришларининг Россия ва Европа мамлакатларида ўрганишни тавсия этган генерал-лейтенант Михаил Иванин (1801 — 1874) ўзининг «Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур» номли китобининг хотимасида шуларни ёзади: «Бизнинг 1839 — 1840 йиллардаги Хивага қилган муваффақиятсиз (омадсиз) юришимиздан сўнг мен мўғул-татар ва Ўрта Осиё халқларининг Чингизхон ва Амир Темур давридаги ҳарбий санъатини ўрганишга киришдим. Уларнинг ҳарбий тизимлари ва асосий юришлари ҳақидаги қисқача баёнимданоқ мўғул-татарлар қўлга киритган улкан муваффақиятлар фақатгина қўшиннинг кўплиги ва жангчиларнинг ботирлигига асосланган эди, деган биздаги нотўғри тушунчанинг ҳеч бир асоссиз эканлиги кўриниб турибди, деб ўйлайман».

Ўз юришларининг мана шу қисқа баёниданоқ, Осиёдаги катта кучлар билан уруш олиб бориш мумкинлигини, аммо аввал уларни яхши билиб олиш ва жангчиларни дунёнинг мана шу қисмига юришлар қилиш учун тайёрлай билиш кераклиги кўриниб турибди. «Биз яна мўғул-татарлардан Осиёда уруш бўлган тақдирда (бунда Россия ва европаликларнинг Ўрта Осиёга юриши эҳтимоли кўзда тутилмоқда — М. Х.) кам сонли кишилар билан жанг қилиш ҳамда отлар, туялар ва чорва моллари, учарларини ҳимоя қила олиш санъатини ўрганишимиз, улардан Осиёда бўладиган юришлар учун ҳатто қишда ҳам оёқ остидаги ўт-ўчўлардан қаноатланиб кетаверадиган ва ҳамиша қуруқ ем-хашак талаб қилмайдиган дашт отларига кўпроқ эга бўлиш қоидасини ўзлаштиришимиз керак, деб ўйлайман».

Пётр I нинг Шарқни эгаллаш мўлжали энг аввало Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўлкаларини забт этиш режалари асосида иш кўрган Россия империясининг ҳокимият тепасига чиққан ҳукмдорлари ҳарбий куч билан босиб олиш мумкин бўлган ҳудудларда катта-кичик ҳарбий истеҳкомлар қурдирдилар ва таянч пунктларини қура бошладилар. Шарқдан, Ўрта Осиёдан эрта-ю кеч кўзини узмаган, иложи бўлса, Туркияни тор-мор этиб, Ҳиндистонни ҳам забт этишга ҳозиру нозир турган подшо Пётр I энг аввало яқин-атрофдаги қўшнилар ерларини босиб олиш зарур деб билди. Шу боис Россия ҳукмдори Ўрта Осиёдаги хонликларга турли қиёфадаги жосуслар, айғоқчи-соати келиб емирилади, йўқ бўлиб кетади. Бироқ миллатни йўқотиб бўлмайди. Миллат ҳар қандай давр, ҳар қандай тузум шароитида ҳам яшашга ва курашга қодир халқ. XIII—XIV асрларда жаҳонга ҳукмрон бўлиш орзуси билан майдонга чиққан Чингиз, Амир Темур династияси, 1721 йилда Россияни империя деб эълон қилган подшо Пётр I империяси ҳам ва ниҳоят, В. И. Ленин асос солган қизил империя ҳам қулади.

Ҳарбий юришни тинимсиз давом эттириб Россия империяси XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўрта Осиё хонликларини бирин-кетин босиб ола бошлади. «Ўрта Осиё — рус тожидаги энг қимматбаҳо дур» деб ёзган Россия империяси молия вазири Вишнегородскийнинг сўзлари Россия ички ишлар нозири Горчаковнинг «Россиянинг келажаги Ўрта Осиёдан», деган сўзларига оҳангдош. Ўрта Осиё — Туркистонни забт этиш ва ўлкани ўз мустамлакасига айлантириш жангида қатнашган 200га яқин ўрис, казак зобитлари, генераллари босқинчилик, босмачилиги туфайли «жасорати» учун Россия ҳукуматини олий мукофотлари Георгиевский ордени, олтин қуроллар ва олий мукофотларга сазовор бўлганлар орасида ўрус генералларидан Фон Кауфман, Иванов, Скобелев, Куропаткин, Перовский, Дебу, Ионов, Головочев, Цепяев, Веревкин, Лёр-ортидан борадилар. Бордию бошлиқнинг иммони сусайиб, она-Ватан ҳимоясига қалқон бўлиб, жонфидолик қилмаса, халқнинг аҳволига вой деяверинг. Бу тарихнинг гувоҳлиги. Россия империяси дипломатлари, сиёсатдонлари, шарқшунос олимлари, ҳарбий тарихчилари Ўрта Осиё босиб олингач, Россия давлати беҳисоб мустамлака бойлигига эга бўлиши ва ўзи забт этган Ўрта Осиё ерлари орқали подшо Пётр I режалаштириб кетган Ҳиндистонга чиқиши ҳамда Ҳинд океани орқали Ўрта Яқин Шарқ ва бутун Шарқ оламини эгаллаш тўғрисида маълумотлар бериб турдилар.

Европадаги капиталистик мамлакатлар, хусусан Россия, Англия мамлакатлари, Шарқ мамлакатлари, энг аввало, Шарқ оламига йўл очувчи Ўрта Осиёни босиб олиш учун кўп ҳаракат қилдилар. Ўрта Осиё улар назарида битмас-туганмас хом ашё, бойлик манбаи ҳисобланган. Улар хусусан Россия империяси Шарқ халқларини, давлатларини бирлаштиришга йўл қўймай «бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил» қабилида иш тутганлар.

Улар Шарқ халқларига ўзларининг энг разил ниятларини амалга оширишлари йўлида ўрис генерали Михаил Иванин ёзганидек, барча усуллардан ўз фойдаси йўлида фойдаланганлар. Шарқ халқларига нисбатан: «итни ўлдиришдан аввал, уни қутирган», деб эълон қилиш зарурлиги асосида иш тутиб келдилар. Чет эл босқинчиларининг, жумладан Россиянинг оқ ва қизил империяси Ўрта Осиё ва Қозоғистон бойликлари ҳисобига яшаб келди. Эндиликда қулаган империяни тиклаб, яна бошқалар мустамлака ер ости ва ер усти бойликлари ҳисобига кун кўришни орзу қилмоқдалар. Лекин текинхўр босқинчилар чучварани хом санамоқдалар. Улар тарих ғилдирагини орқага қайтармоқчилар, ўтиб кетган поезднинг орқасидан қувмоқчи бўлмоқдалар.

Россия думаси чиқарган қарор, яъни — СССРни тиклаш тўғрисидаги бемаъни уриниш телбаликдан бошқа нарса эмас. Чунки қафасдан қутулган қуш яна қайтиб қафасга ўзини солмайди. Шуни айтиш керакки, Россия мамлакатида СССР парчалангач бошбошдоқлик, анархия ҳукм сурди. Иқтисодий таназзулдаги Россия ҳукуматини, фуқароларини тинчитиш, боқиш қийин бўлмоқда. Чет эллардан Россия, Беларусь ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатлари олган миллиард-миллиард қарзларини узиш ниятида ССРни тиклаш васвасасига тушиб қолмоқдалар. Бошқа ҳамдўстлик мамлакатларини ҳам Россия думаси корчалонлари ўз домига илинтирмоқчи бўлмоқдалар. Россия ҳукумати иқтисодий, сиёсий таназзулдан осон қутулиш учун зўр бериб яна қизил империя давридаги йўлни тутмоқда. Россия давлати яна ўша тарихдаги найранглари, қабиҳ ҳунарларини ишга солмоқчи бўлмоқдалар. Ҳур мустақил Ўзбекистон ҳар қандай алдов, иғволарга учмайди, унинг мардонавор халқи ўз юртбошиси атрофига жипслашиб, келажаги порлоқ Ўзбекистоннинг нурли мустақиллик йўлидан бораверади.

Мажид ҲАСАНИЙ,
филология фанлари номзоди, доцент.



Спорт

ТЕЗРОҚ, ЮКСАКРОҚ, КУЧЛИРОҚ

Бугун замонавий олимпиада ўйинларининг 100 йиллиги нишонланади.

Спортга даҳлдор инсон борки, олимпиадани кўзлайди. Ҳар бир спортчи йигит-қиз олимпиаданинг «тезроқ, юксакроқ ва кучлироқ» деган шиорига содиқ бўлишга, мамлакати шарафи учун курашишга интилади. Бугун қадимий олимпиада ўйинларига асос солинган Афинада замонавий олимпиада ўйинларининг 100 йиллиги муносабати билан ўзига хос спорт байрами бўлади. Шу йил ёзда бошланадиган Атланта олимпиадасига ҳозирлик кўрилаётган бир пайтда бундай хайрли тадбирнинг ташкил этилиши ўзига хос воқеа. Биз шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпиада қўмитаси президенти Собир РЎЗИЕВга мурожаат қилдик.

— Замонавий олимпиада ўйинлари ва унинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади, — дейди Собир Рўзиев, — Боиси, инсон ўз имкониятларини юзага чиқариш йўлида ҳар қандай қийинчиликларни енгишга, бу йўлда сабр-бардошли бўлишга, юксак марра ва чўққиларни эгаллашга интилади. Ҳар бир спортчи ўзининг руҳи ва жисмоний имкониятларини уйғунлаштириш билан ақл бовар қилмас натижаларга эришиб келмоқдаки, олимпиаданинг голиблик супасига кўтарилганлар сафи ана шундай баркамол йигит-қизлар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Маълумки, бу йил биз истиқлолимизнинг беш йиллигини нишонлаймиз. Тарихан қараганда қисқа давр. Зеро, шу йиллар мобайнида юртимизда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор берилда. Эришилган муваффақиятларимиз чакки бўлмади. Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида Қонуннинг қабул қилиниши, жаҳон миқёсида энг оммавий ҳисобланган теннис бўйича мусобақаларга аҳамият берилгани, Марказий Осиё ўйинларининг ташкил этилиши, бокс бўйича Осиё чемпионати ҳамда Хиросимада утказилган Осиё ўйинларида эришилган муваффақиятлар туфайли Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида танилди ва нуфузи янада ошди. Мамлакатимизда футболни янада ривожлантиришга бағишланган қарорлар ҳам шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлардан ҳисобланади.

Ҳайрли ишларимиз, тадбирларимиз эътибор топмоқда. Хусусан, Президентимизга халқаро Олтин Олимпиа орденининг топширилиши спортда қўлга киритилаётган ютуқларимизнинг ўзига хос жаҳоний эътирофидир. Халқаро олимпиада қўмитаси президенти жаноб Хуан Антонио Самаранчнинг юртбошимизга бу юксак мукофотни топшираётиб айтган сўзлари эътиборга лойиқ: «Сизнинг жаҳон спортини ривожлантиришдаги хизматларингиз ва олимпия ўйинларини қайта тиклаган Пьер Де Кубертен ишлаб чиққан олимпиа идеалларига садоқатингиз учун биз сизни Олимпия ордени билан мукофатлаймиз».

— Юртдошларимизнинг олимпиада ўйинларида иштирок этишлари тарихи, Атланта олимпиадасига тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам сўзласангиз.

— Олимпия ҳаракати давлатлараро муносабатлар тизимида уларни бир-бирига яқинлаштирувчи, спорт орқали сиёсий йўналиши ва иқтисодиёти даражасидан қатъи назар барча мамлакатларни бирлаштирувчи қудратли омил бўлиб қолади. Олимпиада халқаро спорт ҳаётида йирик воқеа бўлиб, халқларнинг тинчликка, тотувликка, ғўзалликка интилишларини ифода этади. Юртдошларимиз эса 1952 йилдан бери йирик спорт анжуманида иштирок этиб келмоқдалар. Бу даврда 14 та олтин, 12 та кумуш, 9 та бронза медаллари қўлга киритилган. Мухлислар ўз даврида юртимизга шуҳрат келтирган енгил атлетикачи — Сергей Попов, гимнастикачи Галина Шамрай, сузувчи Светлана Бабанина билан Наташа Устинова, курашчи Рустам Казаков, яна гимнастикачилардан Сергей Деомидов ва Элвира Саади каби спортчилар номини яхши эслашади.

Спортчиларимиз бу йилги олимпиадага мустақил жамоа бўлиб, Ўзбекистон байроғини кўтариб борадилар. Бозор иқтисодиёти шароитида харажатларни қоплаш йўлида изланяпмиз. Олимпиадага 100 нафар спортчи билан бориш ниятидамиз. Уларнинг тенг ярми Атлантага бориш ҳуқуқини қўлга киритишган. Қолганлар йўлланма учун астойдил курашмоқдалар. Олимпиада нафасини жаҳоний ҳаракатни мамлакатимизга олиб кириш мақсадида бир миллионта лотерея тарқатилади. «Спринт» таҳлитидаги бу лотереяларда Атлантага бориш учун 100 та йўлланма, 10 та енгил машина ютуқлари бор. Битта алоҳида мукофот ҳам ажратилган. Кимда-ким бир қанча лотереяда «Атланта» сўзидаги 7 та ҳарфни топса, унга олимпиадага бориши учун алоҳида йўлланма берилади. Бундан ташқари туристик йўлланмалар ҳам тайёрланмоқда.

Суҳбатдош:
Мирзо АНВАР.

Тошкент шаҳар, Яккасарой туманидаги «Моҳир» кичик корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мустафо Бафоевга онаси
Зулфия ВАҲТАДОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда).

18.10 «Бу дамлар ўхшар эртакка».
18.40 «Деҳқон манфаати йўлида». Публицистик кўрсатув.
19.00 «Тафаккур». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Юзма-юз». Республикада хизмат кўрсатган юрист Вали Қосимов билан мулоқот.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
21.45 «Ҳофизлар хониш қилганда». Мусиқий кўрсатув.
22.45 «Талқин». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.50 «Актёрлар ва ролар». Аброр Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат драма театрининг актёри Жумадулло Раметов.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юлдузли механика».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Автосалон».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.00 «Кинонигоҳ».
23.40 — 00.40 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пойга». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.05 — 20.40

*

20.40 «Баҳор байрами». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 23.00

*

23.00 Эълонлар.
23.05 «Тропиканка сири». Телесериал.
23.55 — 24.00 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Дарсга қўнғироқ».
19.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «Ҳамшаҳарлар таклиф этади».
21.55 «Компьютер-ревю».
22.20 «Оқ соя». Мусаввир Л. Содиқова.
22.50 Эълонлар.
22.55—23.55 «Сиз учун куйлайман». Галина Шин.

ЖУМА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Ёдингдами?». Кинодастур.
9.10 «Юзма-юз». Республикада хизмат кўрсатган юрист Вали Қосимов билан мулоқот.
9.30 «Маърифат маскани».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қўшиқ сеҳри». Эркатош Шукурова.

Ўқув машғулотлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 Математика.

*

12.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» почтасидан.
12.45 «Дўст». Бадиий фильм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Компьютер сабоқлари».
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.55 «Чорраҳа». Қамчиқ довони: кеча, бугун, эртага...
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ҳаёт ва қонун». Депутатлик мақоми.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Маърифатнома».
21.35 Мусиқий хазина. «Чоргоҳ».
22.15 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 — 00.45 «Ёшлар ва замон». Телемунозара.

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эртаклар оламига саёҳат».
18.35 «Жума тақвими».
18.40 «Муаллиф».
18.50 «Мафтункор чеҳралар».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «RAKS» тақдим этади.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят»
21.10 «Эртага шанба»
21.25 «Таманно».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».

***

18.15 — 20.40

*

20.40 «Белдерсой», «Даштижум». Телефильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 23.10

*

23.10 Эълонлар.
23.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
00.05 — 00.10 Янгиликлар.

IV

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Мультқарусель».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Шифокор суҳбати». Эмлаш кампаниясига доир.
19.30 «Ғузаллик ва абадийлик ҳақида».
20.00 «Билиб қўйган яхши».
20.25 «Рангинкамон» (тожик тилида).
21.05 «Ўтмишсиз келажак йўқ». Қадимшунослар билан учрашув.
21.35 «Туризм-ревю».
22.15 «Бизнес-академия».
22.40 Эълонлар.
22.45—00.15 «Кинематограф».

ШАНБА, 13

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.40 «Кўпик». Бадиий фильм.
10.00 «Чемпион билан учрашув».
10.20 «Сеҳрли оҳанглар». Гулистон Давлат санъат билим юртида.
11.05 «Репортаж».
11.30 «Қувноқ стартлар». Саралаш мусобақалари.
12.20 «Тараннум». Мусиқий дастур.
12.50 Болалар учун. «LEGO» сайёраси.
13.15 — 15.00 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Суварак».Мультфильм.
18.10 «Синфдош». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Санъат олами». Қутлуғ Башаров.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Бу ажиб дунё...»
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 — 00.10 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.00 — 22.00

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 — 00.05 «Гапирса гапираверсин». Бадиий фильм.

IV

10.00 Болалар учун фильм. «Хоразм афсонаси». 1-серия.
11.05 Эълонлар.
11.10 «Бизнен-мирас» (татар тилида).
11.50 «Ўзбекистон — умумий уйимиз». Халқ артисти Тамарахоним таваллуд кунига бағишланган кўрсатув.
12.30 «Замандас» (қозоқ тилида).
13.10—13.40 «Мюзик-холл».

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун кўрсатув.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 «Олам ва одам».
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «Телеташрифнома».
21.05 «Бугунги Европа».
21.25 «Китоб дўкони».
21.45 Эълонлар.
21.50 «Абадий қадриятлар».
22.50—23.10 «Бу ажиб дунё».

ЯКШАНБА, 14

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
7.30 «Ахборот».
7.55 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» (давоми).

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа кўшинлари кунига бағишланади.
11.00 Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 5-серия.
11.30 «Шоҳруҳ» клуби.
12.00 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.50 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
13.40 — 15.40 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин мих». Мультфильм.
18.10 «Маҳалламиз болалари». Телебеллашув.
19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Дилда баҳор». Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Диққат, премьера: Юсуф Розиқов. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 6-серия.
21.35 «Якшанба оқшомида».
22.40 «Беш ҳалқа жозибаси». Спорт кўрсатуви.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 00.50 «Чантраморе». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

II

9.00 «Эртаклар оламига саёҳат».
9.20 «Муаллиф».
9.30 «Мафтункор чеҳралар».
9.55 «PAKS» тақдим этади.
10.25 «Ривоят».
10.35 «Таманно».
10.45 «Олам».
11.25 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси)
12.10 «Мактуб».
12.20 «Имкон чўққилари».
12.40 «Кўнгил». Дилшод Шамснинг муаллифлик кўрсатуви.
13.10 Видео янгиликлари.
13.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
14.10 Видео — «О».
15.50 — 16.50 «СПОРТ-ҚИТЪАСИ».

* * *

18.10 «LEGO» сайёраси.
18.25 Эълонлар.
18.30 «Виждон». Телесериал (Миср Араб Республикаси. Охирги серия).
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Шахс ва баҳс».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Футбол олами.
21.35 «Илҳом сатрлари».
21.40 «Фармед».
21.50 «Оҳанглар оғушида».
22.00 «Даракчи».
22.10 «Келгуси ҳафтада».
22.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
23.00 — 00.40 Видео — «О».

III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Занданечи сири». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
18.15 — 21.55

*

Россия давлат телевидениеси
22.00 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.50 «Панорама».

IV

10.00 «Эй, тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Эсдалик учун дастхат».
12.35 «Парле ву франсэ». Француз тили — ҳамма учун.
12.55 «Менинг кўчам...».
13.10 Эълонлар.
13.15—13.35 «Жонли сайёра».

* * *

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.

*

18.40 «Сиёҳдонча». Болалар учун кўрсатув.
19.00 Эълонлар.
19.05 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
19.25 «Сенинг давринг». Ёшлар учун кўрсатув.
19.55 «Чинсэн».
20.35 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.05 «Миср эҳромлари». Мисрда дафн этиш маросими. 5-кўрсатув.
21.50 «Буюк Ипак йўли». Лотерея ўйини.
22.20 Эълонлар.
22.25 «Монитор-Азия». Тележурнал.
23.05—23.25 «Бу ажиб дунё».

Дил изҳори

Барот ЯРАШ

ЮЛДУЗЛАР ШОДАСИ ЯРАҚЛАР



Биламан, ҳар тонгда қуёш юз очса,
Янги кун бошланса дилни чоғ этар.
Сенинг соғинчингни, сенинг меҳрингни
Тонгги шабадалар мен томон элтар.

Биламан, дилингда мендан-да ортиқ,
Мендан-да мукаррам бирор зот йўқдир.
Лекин сен билмайсан менинг қалбимда —
Ҳали ушалмаган армоним кўпдир.

***

Ажиб кунлар эди бош устимизда
Юлдузлар шодаси ярақлар эди.
Субҳи саболарда гуллар баргида
Шабнамлар юлдуздек чарақлар эди.

Қизғалдоқ қидириб елиб, югуриб,
Кенгликлар бағрига борардик сингиб.
Юракда уйғонган оловли ҳислар,
Бизнинг умримизга берар эди зеб.

Нурланиб бораради осуда тонглар,
Яшилликдан дилда тикларди ялов.
Билмасдик қалбдами ё далаларда
Ял-ял ёнаётган муқаддас олов.

Қалб сезгиси билан англардик, лекин,
Оламда бизлардан ўзга ҳоким йўқ.
Дунё пинжимизга кирарди секин,
Унинг кўзларида порлар бир жуфт чўғ.

ЕР МАДҲИ

Она тупроқ, меҳрингми ё сеҳрингми билмам,
Юрагингнинг туб-тубига бўлгим келар жо.
Мангу ўчмас чироғингга айлангум келар,
О, Чироқчим, чироқларинг оз эмас аммо.

Сенинг қутлуғ остонангдан ҳатлаб дунёнинг
Ҳикматларга мўллигини англадим инон.
Сендан олис ўлкаларга тушганда йўлим,
Она бўлиб чорлаган ҳам ўзингсан ҳар он.

О, она-ер, онам меҳри сингган она-ер,
Томирида тоза қоним айланган макон.
Бош устинга чинор бўлай, сен чўнг илдиз бўл,
Сўнг мангулик қўшиғин куйлай беомон.

Сен барибир муқаддассан...

ОИЛА ИҚЛИМИНИ АЁЛ ЯРАТАДИ

Урф-одатларимизга кўра, оилада эркакнинг ўрни улуғ. Ота кўзига тик қаралмайди. Ундан олдин овқатга қўл узатилмайди. Ҳатто, ота ўрнига ўтирилмайди. Ота келганда қўлини кўксига қўйиб салом бериб, ота ўтиргач, сўнг ўтирилади. Бу одоб қийинчиликсиз, тазйиқсиз, табиий равишда адо этиб келинган. Чунки ота — оила таянчи, посбони, файзи. Ота бор хонадон чароғон, болалар чеҳрасида табассум, аёл қалбида осойишталик. Оилада бундай кайфиятни, иқлимни аввало аёл киши яратади, ривожлантиради. Бу унинг ақл-идрокига, тадбиркорлигига, қаноатлилигига, ширинсуханлигига, камтарлигига боғлиқ.

Эркак киши қачон оиласига шошилади? Қачонки уйда илиқлик, уни қадрловчи ёри бўлса. Ширин таомлар тайёрлаб рўзғорини саранжом-саришта қилиб, фарзандларини мунчоқдек қилиб ўтирса.

Қиз бола бошқа хонадонга узатилар экан, унинг олдида катта масъулият туради. У бориши билан бу хонадонга файз киради. Яна бир янги оила дунёга келади. Келин бу оиланинг ижодкори, бунёдкорларидан бири ҳисобланади.

Аёл кишининг меҳридан баҳраманд эркак унга интилмай иложи йўқ. Бобур ҳукмрон, буюк саркарда, улуғ шоҳ бўлишига қарамай, севимли ёри Моҳинойимга: «Сенинг қулингман», — деган. Уни отга ўтқазиб, ўзи пиёда кетган.

Оиланинг мустаҳкам бўлишида аёлларимизнинг ҳиссаси беқиёс. Чунки аёл кечиримли қалб эгаси. Назокатли ҳамроҳ. У иффати, латофати билан гўзал, қадрли. Бундай маънавий фазилатларга эга аёлларимиз оила иқлимини доимо мўътадил сақлаб тура оладилар. Шундай аёллар туфайли авлодлар занжири узилмайди. Ҳадиси шарифда баён этилади: «Қачонки эр ўз хотинига ва хотин ўз эрига қарашса, Тангри ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди. Бордию, кафтини кафтига қўйса, бармоқлари орасидан гуноҳлари дув-дув тўкилади».

Фарзандларимиз маънавий баркамол ота-оналар тарбияси ва урф-одатларимиздан баҳра олиб униб-ўссалар, миллий шаънимизга доғ туширмайдилар. Шунда жамиятимиз янада равнақ топади.

Ўлмас ЖАЛОЛОВА,
фалсафа фанлари номзоди.

БЕТА ГРУП ОФ КОМПАНИ ЎЗБЕКИСТОН ФИЛИАЛИ

Сизларни турли таъмдаги хушбўй Цейлон чойидан татиб кўришга ва арзон нархларда сотиб олишга ТАКЛИФ ЭТАДИ



Цейлон чойининг энг яхши навларидан бири бўлиб, ўртача баргли ва чой гули қўшилган, фойдаланганда эса анча тежамли.



Цейлон чойининг энг яхши навларидан бири. Баланд тоғлардаги экинзорларда махсус шароитларда етиштирилган. Такрорланмас таъми ва тез таниб олса бўладиган хуш бўйи бор.



Цейлон чойининг машҳур олий нави. У Европа ва Осиё бозорларида ўзига хос таъми ва хушбўйлиги сабабли харидоргир.



Жаҳон стандартларига мос сифатга эга ва буни ўзига хослиги билан исботлаган машҳур чой нави.



Баланд тоғ текисликларида етиштирилган, бутун дунёга машҳур чойлардан бири.



Олий сифатли, жаҳонда тенги йўқ Цейлон чойларидан бири. Унинг барглари йирик-йирик бўлиб, дамланган пайтда қизғиш тусга киради ва ажойиб таъм беради.



Махсус шароитларда, унумдор ерларда етиштирилган машҳур Цейлон чойларидан бири. Барги йирик ва такрорланмас таъмга эга. Фойдаланишда ўта тежамли.



Жаҳон бозорида кенг тарқалган чой навларидан бири бўлиб, ўртача барги, ажойиб таъми ва ўзининг доимий ишқибозларига эга.

Шри-Ланкада етиштирилиб, қадоқланган ҳамда қутиларга жойланган хуштаъм ва энг хушбўй Цейлон чойлари сизга манзур бўлиши турган гап.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов кўчаси, 119-уй.

Маълумот учун телефонлар:
8(3712) 48-05-10, 48-04-97.
Факс: 8 (3712) 48-09-90.

ҲАЙРАТ ВА ҲАЯЖОН КИТОБИ

Бу ранг-баранг оламда не-не мўъжизалар юз бермайди дейсиз. Сизу бизни ўзининг ҳақ-рост эканлигига ишонтиргувчи ғаройиб воқеалар азал-азалдан ҳам ўз моҳияти ва таъсир кучига эга бўлган. Дунёнинг нариги кунжидаги ғаройиботлардан кун ўтиб-ўтмай хабардор бўлмоқлик тезкор асримизнинг тобора юксалаётганини исботлайди.

Айниқса, табиатнинг қудратли ҳукми билан бунёд этилган ажойиботлар сизни лол қолдирмай иложи йўқ. Мўъжиза барибир мўъжизалиги билан улуғвор-да!

Инчунун, минглаб сарҳадлар нарида ҳаёт кечираётган 450 километрлик одам ёҳуд бошқа бир ғалати ҳодиса ҳақида эшитсангиз, албатта, ҳайратдан ёқа ушламасангиз-да, ҳаяжонга тушасиз.

Ўқувчилигимизда «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасида «Ранг-баранг олам» рукни остида бериб борилган турфа воқеа-ҳодисотларни бир замонлар қизиқиб, тортишиб ўқиганмиз. Ўша маҳаллари бу нуфузли газетанинг ҳар бир сонини олиб ўқишнинг имкони бўлавермасди. Негадир шундай ғаройиботларни китоб ҳолида чоп этишса бўлмасмикан, деган ўй кўнглимиздан кўп бора ўтган ҳам. Ниҳоят шундай кунлар келди.

Яқинда ғоят ажиб ва нажиб бир ишга қўл урилибди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни журналист Алимқул Султонов томонидан тайёрланган «ҒАРОЙИБ ОЛАМ» деб номланган қизиқарли китобни чоп этди. Уни варақлар экансиз, дастлабки саҳифаларидан ниҳоясига қадар бутун вужудингизни ҳайрат ва ҳаяжон чулғаб олади. Мутолаа давомида дунёнинг етти иқлимидан таралувчи табиатнинг иродаси билан яралган кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Уларни ўқиб бир ишонасиз, бир... Келинг, яхшиси китобдан парча келтириб қўяқолайлик.



ҚАЕРДА ЯШАШНИНГ ФАРҚИ ЙЎҚ УЛАРГА

Нигериянинг марказий қисмида жойлашган қишлоқлардан бирида истиқомат қилувчи Майкл Блама ва ниҳоят қишлоқдошлари билан бирга ерда яшашга аҳд қилди.

Воқеанинг қизиғи шундаки, у 1987 йилда давоси ҳали топилмаган номаълум асаб касаллигига чалингач, дарахт устида яшай бошлаган эди. Унинг иродасини қарангки, деярли беш йил шу дарахт устида кун кўрди. 45 ёшидагина ерга қайтиб тушди. Бундай воқеанинг юз бериши ягона ҳол эмас. Қирқинчи йилнинг бошларида ҳам бир португалиялик дарахт устида 36 ой яшаган. Ниҳоят у қиш қаттиқ келгани учун ерга, одамлар орасига қайтишга мажбур бўлган.

***

ВЕНЕСУЭЛАДАГИ нефт компанияларидан бирида ишловчи Карло Монтес оғайниси билан гаров ўйнади. Гаров шартига кўра, у бир ой давомида от устида яшаши керак эди. Ўртага катта пул тикилди.

Монтеснинг сабрига қойил қолиш керакки, у бир ой умуман отдан тушмасдан яшадия! Овқатни ҳам от устида еди, сувни-да от устида ичди, уйқую, бошқа ишлар ҳам от устида бўлди. Қойил. Бироқ гаровда ютишга ютди-ю, кейин

Ўқидингизми?

бир ой роса қийналди. Чунки оёқлари бир ой давомида акашак бўлиб қолди-да.

***

ЎҚИБ БЎЛГАЧ, ЕЙИШИНГИЗ МУМКИН

ЯПОНИЯНИНГ нашриёт фирмаларидан бири ғаройиб китоб чиқара бошлади. Бу китоб варақлари ширин хамирдан ясалган ва пиширилган бўлиб, унда бадиий, тўғрироғи, саргузашт асарлар чоп этилади ва худди китобга ўхшатиб муқоваланади. Китоб 3-7 бетдан иборат рисола шаклида чиқади (асарнинг давоми кейинги китобда бўлади).

Уни босишда босмахона буёғи ўрнига махсус таом қоришмаси ишлатилади. Унинг мазаси ширин-тахирроқ бўлиб, организм учун зарарсиздир. Қоришма таркиби ҳозирча сир тутилмоқда.

Бундай адабиётнинг биринчи туркуми 79 минг нусҳада нашр этилган ва ўша заҳоти сотиб тугатилган. Энди китобхонлар иккинчи ва кейинги китобларни ҳам тез чоп этишларини талаб этишмоқда. Қизиғи шундаки, китобхонлар китобни ўқиб бўлгач, овқат ўрнида ейишлари мумкин.

ХУЛЛАС, мухтасаргина сўзимизнинг рост-ёлғонлигини бу тўпламни ўқиб чиққанингиздан кейин айтасиз.

Озода БЕКМУРОДОВА.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Самарқандда -- 35-22-90; Бухорода -- 3-54-87; Тошкентда-- 33-12-56; Гулистонда -- 2-26-22; Урганчда -- 6-51-35; Жиззахда -- 3-31-86; Фарғонада -- 26-37-16; Навоийда -- 3-75-43; Қаршида -- 3-25-79; Намангандa --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24. Нукусда -- 7-58-83;

Сотувда эркин нархда.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120
• Газета офсет усулида А—2 форматида 35497 нусхада босилди
• Ҳажми 2 босма табоқ
• Г — 0183

Навбатчи муҳаррир К. ЭШМАТОВ, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23. 00. 1 2 3 4 5 6.